Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 165 (8155). 31 август, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• ҲАММА ЕРДА ДЕФОЛИАЦИЯНИ ЭНГ МАҚБУЛ ВА ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗАЙЛИК • *БИРИНЧИ ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ ЎЗИДАЁҚ ҒЎЗА БАРГЛАРИНИНГ ТЎЛА ВА ТЕКИС ТЎКИЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК* • ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН БАРЧА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН • *ИПАТОВОЛИКЛАР МЕТОДИ АСОСИДА ИШЛАЙДИГАН ТЕРИМ-ТРАНСПОРТ ОТРЯДЛАРИ ВА ЗВЕНОЛАРИ ЭКИПАЖЛАРИНИ ҲОЗИРДАН ТУЗИБ ҚЎЯЙЛИК* • БУЛАР—ҲОЗИРГИ ҒАНИМАТ КУНЛАРНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДИР.



БЎКА районидаги Тимирязев номли колхоз пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида 1060 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 48 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилишган. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади. Айни кунларда хўжаликда йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Техника воситалари, машина-механизмлар яна бир бор синовдан ўтказилиб, тайёрлик чизиғига келтириб қўйилмоқда. Суратда: терим техникасини ремонт қилишда жонбозлик кўрсатган механик-ҳайдовчилар (чапдан) Т. Хошимов, А. Эшонқулов, Р. Сатторов ва А. Эшмуҳамедов ўртоқлар. Улар шу кунларда далаларни машина теримига тайёрлашда ҳам актив қатнашмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ТАШАББУСКОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛАМИЗ

ДЕҲҚОН ўз меҳнатининг натижасини кўриб, билиб турса меҳнатга бўлган меҳри, ихлоси ортади, ишида унум, қут-барака бўлади. Бизнинг бригадамиз миришкорлари айнан шундай ишлайдилар. Шунинг учун ҳам «оқ олтин»дан уяётган хирмонимиз йилдан-йилга юксалиб бораётир.

Ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилидаги меҳнат натижаларимиз ҳам қувончли бўляпти. 8 гектар канопнинг ҳар гектаридан 220 центнердан «кўк олтин» йиғиштириб олиб, юксак социалистик мажбуриятимизни бажардик.

Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси далаларда мажбуриятга яраша пахта ҳосили етиштириш учун тер тўкишяпти. Ҳар туп ғўзада 11—12 тадан тўқ кўсак ҳосил қилинди. Эндиликда кўсаклар салмоғини ошириш, ҳосил сифатини юқори бўлишини таъминлаш учун курашни давом эттиряпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йил пахтамиз эртаги бўлиб етилмоқда. Лекин асосий кураш олдинда. Ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиб, фақат юқори сортларга топшириш ғоят масъулиятли вазифадир. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис этамиз. Бригадамизга қарашли барча йиғим-терим воситалари, машина-механизмлар, «зангори кема»лар икки-уч бор синовдан ўтказилиб, мавсумга шай ҳолда турибди.

Биз бу йил ғўза парваришини илғорлар иш усулини қўллаб олиб бордик. Чигит экилган кундан бошлаб барча агротехник тадбирлар план асосида бажарилди. Ҳар гектар ерда 110—115 минг тупдан «Тошкент-1» навли кўчат қолдирилди. Минерал ўғитларни июнь ойидаёқ тўла бериб бўлдик. Аксинча, экинга маҳаллий ўғитни парвариш охиригача шарбат усулида оқизавердик. Чеканкани энг яхши муддатларда ўтказганлигимиз туфайли ғўзалар ғовламади. Мўл ҳосил тўплаб, машинабоп бўлиб ўсди.

Энди олдимизда ғоят муҳим тадбир турибди. Бу дефолиациядир. Ғўза дефолиациясини ғоятда қулай муддатда, қисқа фурсат ичида ўтказишга эришиш керак. Бунга пухта тайёргарлик кўрилган. Зарур химикатлар, «ОВХ» аппаратлари шай. Агрономлар билан маслаҳатлашиб қайси карталарда қачон дефолиация ўтказишни белгилаб чиқдик. Узоғи билан 5—6 сентябрда бу иш тўла тугалланади. Ҳамма майдонда бир марта дефолиация ўтказиш билан ғўза баргининг тўла тўкилишига эришиш учун бутун чора-тадбирлар амалга оширилади. Чунки, дефолиация тез, соз ва сифатли ўтказилса, машина терими шунча эрта бошланади. Самарадорлик юқори бўлади. Бу йил етиштирилган умумий ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»ларда териб олинади.

Бизнинг олдимизда ҳосилдорликни ошириш билан бирга ликда маҳсулот сифатини кескин яхшилаш вазифаси ҳам турибди. Бу кўп жиҳатдан биз — бригада бошлиқларига, механик-ҳайдовчиларга боғлиқ. Коллективимизнинг Малик Аҳмедов, Розиқ Эргашев сингари механизаторлари билан доимо бамаслаҳат иш олиб борамиз. Улар ўз агрегатларини мавсумга ниҳоятда пухта созлашган. Асосий ҳосилни икки теримда ғуғаллашга аҳд қилдилар.

Бригадамизнинг Саттор Шерматов, Маҳамаджон Аҳмедов, Жасим Беналиев, Умар Умурзоқов сингари сувчиларининг, Фароғат Мамедова, Зулхумор Турсунбоева, Рихси Олтинбекова, Гулжамол Шокирова, Назли Усмонова каби аъзоларининг ҳам қувончлари чексиз. Улар баҳор ва ёз бўйи бутун меҳрларини ғўзаларга бахшида этишди. Бўлиқ кўсаклар олди тиш ёриб лўппи бўлиб очила бошлади.

С. ИЎЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози бригада бошлиғи.

ТЕХНИКА ТЕРИМГА ШАЙ

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида бўлган кишининг кўзи қувонади. Шиғил-шиғил кўсаклар билан безанган ғўзалар деҳқонлар йил бошидан буён баракали меҳнат қилганликларини кўрсатиб турипти. Пахтакорлар барча пайкаллардаги ғўзаларни машина теримига мослаб парвариш қилдилар.

Бригадалар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада Нормуҳаммад Нурмуҳамедов етакчилигидаги коллектив пешқадамлик қилаётир. Бригада аъзолари бу йил ҳосилдорликни камида 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Етиштирилган «оқ олтин»нинг асосий қисми терим машиналари бункеридан тўкилади.

Ҳозир миришкорлар ўзларига биркитилган техника воситаларини йиғим-терим мавсумига шай қилиб қўйдилар. Икки терим машинаси, транспорт трактори ва тўртта прицеп сифатли ремонтдан чиқарилди.

Т. ЎЗГЕНОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ НИШОНАСИ

МУРОДЖОН МАМАЖОНОВ раҳбарлик қилаётган коллектив Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг юқори ҳосилли бригадаларидан ҳисобланади. Бригада аъзолари бу йил 80 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилишган эди. Ғўзалар ёз бўйи ана шу юксак мажбуриятга яраша сифатли парвариш қилинди.

Моҳир механизатор Раимберди Эргашев ҳар сафар сувдан сўнг қатор оралариии икки марта чуқур қилиб юмшатиб борди. Акбарали Умаралиев ва Худойберди Умрзоқов сингари тажрибали сувчилар экиннинг обиҳаётга қонишини таъминладилар. Шунинг учун бригада ғўзалари серҳосил бўлиб ривожланди. Ҳозир олди кўсаклар очилиб, янги ҳосилдан нишона кўрсата бошлади.

Карталар машина теримига мослаб бегона ўтлардан тўла тозаланди. Механизаторлар терим агрегатларини сўнгги текширувдан ўтказмоқдалар.

Т. ЗОКИРОВ.

ЕР ЮЗИДА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК БЎЛСИН

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

БИЗ, совет кишилари партиямизнинг тинчлик ва қуролсизланишга қаратилган йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш партиямиз ташқи сиёсатининг ҳамиша бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларида ҳам ССС Рнинг тинчликни сақлаш борасида олиб бораётган кураши атрофлича баён этилган.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари бутун имкониятларини ишга солиб, она-Ватанга кўпроқ мўл ва сифатли «оқ олтин» етказиб бериш йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Шунга яраша фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Бунинг ҳаммаси тинчлик туфайлидир. Шундай экан, биз ер юзида тинчлик бўлишини истаймиз. Бу бутун тараққийпарвар кишиларнинг ниятидир.

И. БЕРКИНБОЕВ,
Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадаси бошлиғи.

МАҚСАДИМИЗ БИР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетасининг саволларига жавоблари менда ва менинг ўртоқларимда чуқур мамнуният ҳисларини уйғотди. Партиямиз ва давлатимиз раҳбарлари барча совет кишиларининг АҚШ империалистлари авж олдирган тўхтовсиз қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро уруши хавфини даф этишга эришишга бўлган азму қарорини яна бир бор изҳор этди. Биз Юрий Владимирович Андропов илгари сурган янги тинчлик таклифлари қуролсизланиш юзасидан музокараларда мамлакатимизнинг принципиал позициясини бутун кўрсатишга уринаётган чет эллик сиёсатдонларнинг ниятларини пучга чиқаради, деб ишонамиз.

Бизнинг янги тинчлик ташаббусларимизга АҚШ раҳбарлари қандай жавоб беришларини билмайман-у, лекин бу таклифларни ер юзидаги соф виждонли барча кишилар, шу жумладан Американинг олдинги меҳнаткашлари қувонч билан кутиб олишларига аминман.

Биз, моддий бойликларни яратаётган ишчилар урушни истамаймиз, биз ўз фарзандларимиз ва набираларимиз учун, ер юзидаги барча кишилар учун бахт-саодат ва мусаффо осмон бўлишини хоҳлаймиз. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет давлатининг термоядро урушининг олдини олишга интилаётганлиги бизни ғоят қувонтирмоқда. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг жавобларида совет халқининг тинчликка ва барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишга бўлган қатъий иродаси изҳор этилган.

Абдували ТУРДИБОЕВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, Октябрь революцияси ордени кавалери.

УРУШНИНГ НОМИ УЧСИН!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари барча совет кишилари, бутун тинчликсевар инсоният томонидан қизғин маъқулланиб кутиб олинганлиги бежиз эмас. Халқаро вазият ғоят кескин тус олаётган ҳозирги даврда партия ва давлатимизнинг бошлиғи янги тинчлик таклифларини олға суриб, Советлар Ватанининг холис ниятини бутун жаҳонга яна бир марта намойиш қилди.

Биз, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг жавобларида қайд этилган қуроллаиш пойгасини чеклаш тўғрисидаги фикрларни якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Улуғ Ватан урушида ишлатилган қуроллар неча ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Ҳозирги ядро қуроллари эса бутун ер юзидаги кишиларни бир неча марта қириб ташлаш қудратига эгадир. Ракеталарни кўпайтираберіш билан хавфсизликни таъминлаб бўлмайди. Бунинг ўрнига барча қуролярогларни йўқ қилиб ташлаш зарур.

СССР худди шуни таклиф этмоқда. Биз буни тўла-тўкис қувватлаймиз. Тинчлик ишини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Мен барча уруш ветеранлари номидан «Урушнинг номи учсин!» дейман.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди.
Калинин район.

МЕҲРИМИЗ СЕНГА, ОНА-ТУПРОҚ!

ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАЛАРИ ҲАЁТИДАН

Областимиз пахтазорларида ва чорвачилик фермаларида ота-оналари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган кўплаб мактаб ўқувчиларини кўриш мумкин. Улар ўзларига биркитилган участкаларда эрта баҳордан бошлаб тер тўкадилар, кеч кузда эса йил бўйи бажарилган самарали меҳнатларига якун ясайдилар.

Дарсдан ташқари пайтлардаги ижтимоий фойдали, яратувчилик меҳнати мактаб ёшларини халқ хўжалиги учун, биринчи навбатда, моддий ишлаб чиқариш жабҳасидаги меҳнатга тайёрлашнинг муҳим қисми бўлиб қолди. Бўлажак меҳнат аҳлининг қимматли маънавий ҳислатларини шакллантиришда бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишнинг роли жуда каттадир. Зотан ўқувчиларнинг меҳнатда узлуксиз иштирок этиб келаётганликлари уларнинг ҳозирги замон социалистик қишлоқ хўжалиги фаолиятини тўғри тасаввур қилишларига ёрдам бермоқда.

Областимизда дастлабки ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ташкил этилганидан бери 25 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Ўтган йиллар мобайнида ёшларнинг меҳнат коллективлари ўсди, мустаҳкамланди ва чинакам маънавий чиниқиш мактабига айланди.

Ҳозирги пайтда областимизда 466 та ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари мавжуд бўлиб, уларга 17 мингга яқин юқори синф ўқувчилари жалб қилинган. 171 та пахтачилик, 93 та маккажўхорикорлик, 57 та боғдорчилик, 45 та сабзавотчилик, 32 та пиллачилик ва ўрмончилик, чорвачилик, доривор ўсимликларни йиғиш бригадалари бор. Ёш меҳнат коллективларига жами 8296 гектар ер ажратиб берилган. Шундан 4566 гектарини пахта майдонлари ташкил этади. Колхоз ва совхозлар томонидан бу бригадаларга 121 та ҳайдов трактори, 213 та ишлов бериш трактори, 37 та пахта териш машинаси ажратилган. Мазкур техникани бригада аъзолари доим авайлаб-асрайдилар, вақтида ремонтдан чиқариб, дала ишларига тахт қилиб қўядилар.

Колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари ёшларга ҳамиша ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. ўқувчиларнинг 263 ишлаб чиқариш бригадаси ўзининг доимий дала шийпонига эга.

Ўқувчиларни меҳнатга жалб қилиш, айниқса, Чиноз, Бўстонлиқ, Бўка, Оҳангарон, Тошкент ва Оққўрғон районларида намунали йўлга қўйилган.

Айни кунларда биргина Чиноз районида ўқувчиларнинг 34 та ишлаб чиқариш бригадаси фаолият кўрсатмоқда. Ишларнинг 21 коллективи пахтачилик, 7 коллективи маккажўхорикорлик, 4 коллективи сабзавотчилик, икки коллективи эса узумчилик билан шуғулланмоқда.

Ана шундай бригадаларнинг бирига Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Эркин Очилов етакчилик қилади. «Қизил Октябрь» колхозида 1957 йилда ташкил этилган бу бригадада Бобур номли ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари йил сайин муттасил пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Бугунги кунда бу ерда юқори синф ўқувчиларидан 45 нафари уч звенога бўлинган ҳолда меҳнат қилмоқда.

— Жами 60 гектар ерimиз бор,— деди Эркин Очилов биз билан суҳбатда,— Керакли техника билан тўлиқ таъминланганмиз. Шийпонда ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. 2 та телевизор, телефон, радио, кўчма кутубхона, шахмат-шашка, спорт майдончаси— буларнинг бари ёшлар ихтиёрида. Социалистик мусобақа экранида бригаданинг кўрсаткичлари мунтазам ёритиб борилади. Илғорлар ҳамиша моддий ва маънавий рағбатлантириладилар. Шунинг учун бўлса керак йилдан-йилга олинаётган ҳосил ҳам кўпайиб бормоқда. 1981 йили ҳар гектар ердан пландаги 34,6 центнер ўрнига 56,3 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 56,5 центнерни ташкил этди. Бу йилги марра эса 60 центнер. Ғўзаларнинг бугунги аҳволи маррани муваффақиятли эгаллашимиздан дарак бермоқда. Бундай юқори ҳосил Ленин комсомоли қутлуғ 65 йиллигига муносиб тўёнамиз бўлади. Бригада аъзоларидан Дилмурод Султонов, Насиба Аҳмедова, Маъмура Назарматовалар-нинг меҳнатлари, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Бригадада ёрдамчи хўжалик ҳам мавжуд. Унда етиштирилган маҳсулотлар ўқувчиларнинг эҳтиёжи учун ишлатилади. Ўтган йили бригада аъзолари янги ташаббус билан чиқдилар. Эҳтиёждан ортиб қолган 2,5 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлатга сотилди.

Шу йил март ойидан бошлаб бригада аъзолари наряд-сиз система асосида ишлашга қарор қилдилар. Меҳнат коллективининг ҳар бир аъзоси ойига 130 сўм миқдорида маош ҳам олмоқда. Шийпонда сотувчисиз магазин ташкил қилинди. Эндиликда ўқувчилар ўзлари учун керакли кундалик маҳсулотларни шу ернинг ўзида харид қиладилар.

Бригада бир неча марта Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 1976 йили теримчи Раҳима Холбекова ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Шавкатли меҳнати учун» фахрий нишонига сазовор бўлди. 1979 йили эса ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этдилар. Улардан беш киши кўргазманинг нишони ва пул мукофоти билан тақдирландилар. Ўқитувчи Ҳикмат Жўрабоев эса ўтган йили ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Энг яхши ёш пахтакорга» нишони билан мукофотланди.

Бригадада социалистик мусобақага алоҳида эътибор берилади. Ёш пахтакорлар Озарбайжон ССР Қосим Исмоилов районидаги Тельман номли колхозининг Озарбайжон ССР Олий Советининг депутати Фирая Байрамова бошлиқ бригадаси билан меҳнат шартномаси тузишган. Яқинда озарбайжонлик дўстлар чинозлик мусобақадошлари ҳузурида бўлиб, бригада ишларига юқори баҳо бердилар.

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг Худойберди Абдужабборов бошлиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Бу бригада 1961 йили ташкил этилган эди. Дастлабки йилдаёқ 40 центнерлик марра қўлга киритилди. Сўнгра колхоз раҳбарлари ёшларнинг ғайрат-шижоатига катта ишонч билдириб, Ачамайли қишлоғи яқинидаги ташландиқ, қир зонасидаги ерни ажратиб беришди. Кекса пахтакорларнинг ўгитларига амал қилган ёшлар янглишишмади. Бу ерда мўл ҳосил тўпланди. Айни кунларда шиғил-шиғил кўсаклар билан безанган ғўзалар ёш пахтакорларнинг 45 центнерлик марра ишқида баракали меҳнат қилганликларини кўрсатиб турипти.

Дала шийпонида бригада аъзоларига барча шароитлар яратилган. Ўз вақтида газета ва журналлар келтириб турилади. Ҳар йили ҳосил йиғим-теримидан сўнг ёш пахтакорлар республикамиз, иттифоқимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга отланадилар.

Оққўрғон районидаги колхоз ва совхозларда ҳам ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларининг 27 та ишлаб чиқариш бригадаси ташкил қилинган. Навоий номли колхоздан Қ. Бойниёзов, «Ленинизм» колхозидан У. Мамиров, А. Соғиндиқов, Ҳ. Олимжон номли колхоздан Р. Қуралиев бошлиқ ўқувчи ёшлар ишлаб чиқариш бригадалари 40—45 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, ҳозир пахтазорларда, фермаларда, сабзавот далаларида, боғ-роғларда меҳнат қилаётган ёш деҳқонларни, ёш боғбонларни, ёш чорвадорларни кўриб, уларнинг меҳнатига қойил қоласиз. Чиндан ҳам уларнинг ғайрат-шижоати катталар ишини давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу кунларда янги ўқув йили арафасида кўплаб юқори синф ўқувчилари — комсомол-ёшлар ўзларининг янги-янги бригадаларини тузиб, далада меҳнат қилишга аҳд қилмоқдалар. Уларнинг қалбида эзгу орзу-умидлар чечак ёзмоқда. Улар чиқ қалбдан «Меҳримиз сенга, она— тупроқ!» демоқдалар.

А. НОСИРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СССР САВДО МИНИСТРЛИГИДА

Ҳукуматнинг кўрсатмасига мувофиқ 1983 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ва кооператив савдоси чакана тармоғида молларни пасайтирилган нархларда мавсумий сотиш ўтказилади.

Бундай моллар жумласига енгил саноатнинг кўпгина турдаги маҳсулотлари, шунингдек маданий-маиший буюмлар ва рўзғор асбоблари, жами 3 миллиард сўмлик мол киритилган.

Бу моллар доимо савдо қилинадиган универмаглар, ихтисослаштирилган магазинларнинг ўзида ва бошқа савдо корхоналарида сотилади.

СЎНГГИ СОАТДА

● **НЬЮ-ЙОРК.** Қўшма Штатларда Америка коммунистларининг «Дейли уорлд» газетаси фондига маблағ тўплаш кампанияси муваффақият билан ўтмоқда. Партия активлари ўз олдиларига қўйилган мақсадни бажаришга — ёз фасли охиригача қарийб ярим миллион доллар тўплашга муваффақ бўлдилар.

Бу йилги кампания меҳнаткашларнинг АҚШдаги марксизм-ленинизм позицияларида мустаҳкам турган ягона газетаси кенг оммалашиб боратёганлигидан яққол далолат бермоқда. Тўпланган маблағлардан «Дейли уорлд» газетасининг техникавий ускуналарини янгилаш учун фойдаланиш режалаштирилмоқда. Бу эса яқин келажакда унинг тиражини кўпайтириш, шунингдек газетанинг маҳаллий нашрларини чиқариш имконини беради.

● **ЖЕНЕВА.** Бу ердаги Миллатлар саройида Фаластин масаласига бағишланган халқаро конференция очилди. БМТнинг ташаббуси билан уюштирилган конференция ишида 120 тадан кўпроқ давлатнинг, шунингдек Фаластин озодлик ташкилотининг, БМТ турли органларининг ҳамда бир қанча халқаро ва миллий жамоат ташкилотларининг намояндалари қатнашмоқдалар.

● **ЛАГОС.** Юқори Вольта жамоатчилиги халқларга ва ҳукуматларга мурожаат этиб, БМТнинг Намибия юзасидан ишлаб чиққан планн тезроқ амалга оширилишига кўмаклашишга чақирди. Хитобноманн имзолаган кишилар орасида давлат бошлиғи, революция миллий кенгашининг раиси Томас Санкара ҳам бор.

Юқори Вольта халқи, дейнлади ҳужжатда, қардош Намибия халқининг кураши билан бирдам бўлиб, Намибия днёрини қонунга зиддф равишда оккупация қилиб турган, унинг табиий бойликларини ғарбий миллатлараро корпорациялар ёрдамида талон-тарож қилаётган ЖАРнинг ирқчи режимини кескин қоралайди.

● **БРАЗЗАВИЛЬ.** Конго Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Пьер Нзе «Конго революцияси овози» миллий радиоси орқали сўзлаган нутқида бундай деди: Франция Чадга ўз қўшинларини юбориш орқали Марказий Африкадаги шу мамлакатнн ҳарбий йўл билан оккупация қилиб олмоқда. Хиссеи Хабре илтимос қилди, деган важлар Чаднинг ишларига бевосита аралашиш учун бир баҳонадан бошқа нарса эмас.

«Франциянинг Чаддаги тарихий миссияси» деган қандайдир иборалар айниқса ташвиш туғдирмоқда, деб таъкидлади министр. Франциянинг Жазоир ёки Вьетнам, Конго ёки Чад сингари мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашиш учун ҳеч қандай ҳаққи йўқ. «Тарихий миссия»ни важ қилиб кўрсатиш янги мустамлакачилик даъволарини оқлай олмайди.

[ТАСС, 30 август].

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

«Ангрен» кўмир разрези коллективи эришаётган муваффақиятлар салмоқлидир. Бутун Ўрта Осиёда қазиб олинаётган «қора олтин»нинг ярмидан кўпроғи ана шу кон ҳиссасига тўғри келади. Разрезда кўмир қазиб олиш йиллик ҳажми 5,3 миллион тоннадан ортиб кетди. Кўмир асосан прогрессив очиқ усулда қазиб олинмоқда.

Айни пайтда корхонани реконструкция қилишга киришилди. Реконструкциянинг биринчи босқичи кўмир қазиб олишни ҳозиргига нисбатан деярли икки баравар кўпайтириш имконини беради. Арзон ёқилғининг анчагина қисми СССРни 1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларида қурилиши кўзда тутилган Янги Ангрен ГРЭСида электр энергияси ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш корхонанинг лойиҳа қувватида белгиланганидан ошиб кетган бўлса ҳам кончилар «қора олтин» етказиб беришни мутасил кўпайтириб бормоқдалар. Фақат шу йилнинг биринчи ярмида планда кўзда тутилганидан 70 минг тонна кўп кўмир қазиб олинди.

Бу катта меҳнат муваффақиятларга эришишда коллективда оммавий-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишлар юксак самарадорлиги таъминланаётганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этяпти. Кон партия комитети марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълимни такомиллаштириб бормоқда. Коллектив ўртасида илғор тажриба кенг тарғиб этилади.

Идеология ишларини ўтказишда раҳбар ходимлар бевосита иштирок этадилар. Жумладан, 9-шахта директори Аҳмаджон Мусажонов мунтазам равишда коллектив ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказади.

Корхона партия комитетининг кўп кишилик идеология активи асосий эътиборни социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, унинг самарадорлигига эришишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратмоқда.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида онгли меҳнат ва интизом учун кураш шу куннинг зарур талаби, бу бутун партия ташкилотлари, бутун пропаганда ва агитация ишининг бош йўналишларида бири эканлиги алоҳида таъкидланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов Марказий Комитетда партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашув пайтида сўзлаган нутқида «...социалистик интизомнинг моҳияти ҳар бир кишининг ўз иш жойида, зўр ғайрат билан ишлашидан иборат... Бу ўринда кўп нарса яхши йўлга қўйилган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишга боғлиқлиги табиий», деб уқтириб ўтганлиги ҳам бежиз эмас.

«Ангрен» разрези партия комитети июнь Пленуми талаблари, партия кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлаётганлиги учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга эришмоқда. Бу вазифа шаҳримиздаги барча партия ташкилотлари олиб бораётган ғоявий-сиёсий ишлари негизини ташкил этмоқда. Зеро, юксак интизом, тартиб ўрнатилган шароитдагина белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллаш мумкин. Мустаҳкам меҳнат интизоми бирон-бир капитал маблағ сарфлашни талаб қилмасада, жуда катта самара беради.

Шаҳар партия ташкилотининг ҳар бир коллективда юксак интизом ва тартиб ўрнатиш учун олиб бораётган ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишлари Ангренни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ҳаракатида мужассамлашган. КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленумидан сўнг кўпгина саноат корхоналаримиз, қурилиш ва транспорт ташкилотларимиз коллективлари москваликларнинг «Шон-шуҳрат меҳнатга яраша» ватанпарварлик ҳаракатига қўшилдилар. Ҳар бир меҳнат коллективида онгли интизом бўлиши, ишёқмаслар, дангасалар, ичкиликбозлар ва меҳнат интизомини бузувчи бошқа кишиларга муросасизлик муҳитини вужудга келтиришга ҳаракат қилинди. Шаҳар саноат корхоналарида ўтган давр мобайнида планга қўшимча равишда 3 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлаш самарасидир.

Партия ташкилотлари олиб бораётган оммавий-сиёсий ишларда интизомни мустаҳкамлаш билан бир қаторда социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шаҳардаги «Резинотехника» заводи партия комитети меҳнат беллашувида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида аҳамият беряпти. Шу туфайли бу ерда биринчи категорияли маҳсулот салмоғи 1981 йилдаги 16 процентдан ҳозир 38 процентга етди.

Социалистик мусобақа меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга ҳам хизмат қиляпти. Ҳозир фақат шаҳримиз завод ва фабрикалари ўртасидагина эмас, шунингдек иттифоқдош республикалардаги, ҳатто чет эллардаги турдош корхоналар коллективлари билан меҳнат беллашуви йўлга қўйилган. Масалан, «Узбекшахтострой» трести Иваново областидаги «Кинешмастрой» трести коллективи билан мусобақадошдир. Шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, донгдор шахтёр Абдураҳмон Маматов бошлиқ бригада коллективи эса Болгария Халқ Республикаси Хасково округидаги Ради Станчев етакчилик қилаётган кончилар билан ўзаро мусобақалашиш шартномасига имзо чеккан.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида бутун идеологик, тарбиявий, пропаганда ишимизни ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида партия ҳал этаётган катта вазифалар даражасига кўтариш лозимлиги алоҳида уқтирилган эди. «Узбекшахтострой» трести партия комитети, идеология активи ўз ишларини партиянинг ана шу кўрсатмалари асосида қайта қурмоқдалар. Маълумки, трест республикадаги энг йирик қурилиш ташкилотларидан биридир. Ҳозирги пайтда бу коллектив олдида ғоят масъулиятли вазифалар турипти. Улар «Ангрен» кўмир разрезини реконструкция қилишда, «Резинотехника» заводида янги қувватларни бунёд этиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари керак. Айни пайтда трест коллективи картон фабрикаси қурилишини ҳам олиб боради. Натижада келгуси йилнинг ўзида трест коллективи 45—50 миллион сўмлик ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажариши керак бўлади. Бу эса 1983 йилда режаланганидан 25 процент ортиқ демакдир.

Трест партия комитети коллективини ана шу улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришга моҳирона сафарбар этмоқда. Айниқса, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштиришга катта эътибор бериляпти. Ҳозирги пайтда ҳар бир коллективда шу йилнинг май ойида ўн биринчи беш йиллик планини бажарган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Д. А. Зазулин бошлиқ бригаданинг иш тажрибаси кенг тарғиб этилмоқда. 6-қурилиш бошқармасига қарашли бу бригада бинокорлари беш йиллик бошидан бери 1,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб қўйганлар. Илғорлар тажрибаси асосида ишлаётган О. Аннамуродов, Я. Янцен, Г. Шакирзяновлар бошлиқ коллективлар ҳам белгиланган планларни муттасил ошириб бажаришга эришаётирлар.

Ўртоқ Ю. В. Андропов партия ветеранлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида «Биз иқтисодий ишни идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳақида ҳақли равишда гапирамиз. Бироқ, идеология ишини иқтисодий жиҳатдан ёки — кенгроқ қилиб айтганда — социал жиҳатдан таъминлаш бундан кўп бўлса кўпки, оз аҳамиятга эга эмас» деган эди. Шунинг учун шаҳар партия ташкилотлари социал масалаларга ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Ҳозирги пайтда биз меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида намунали тартиб ўрнатишга қаратилган тадбирлар комплексини амалга оширяпмиз. Жумладан, шаҳарда маҳсулотларни марказлаштирилган тарзда қадоқлаш цехи ташкил этишга киришилди.

Интизомни мустаҳкамлаш, иш вақти йўқотилишига барҳам беришда меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, ҳали бу соҳада маълум камчиликларимиз бор. Шаҳримиздаги 20 саноат корхонасидан фақат 4 тасидагина маиший хизмат устахоналари, комплекс қабул пунктлари бор. Ҳозирги пайтда ҳар бир корхонада қабул пунктлари ташкил этиш устида иш олиб боряпмиз.

Партия ташкилотларимизда идеология иши самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасида тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш, уни барча партия ташкилотларининг мулкига айлантиришга интиляпмиз. Чунки биз партия коммунистик қурилиш соҳасида олдимизга қўяётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча партия ташкилотлари, барча кадрларимиз, барча коммунистларимиз фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини яққол ҳис этиб турибмиз. Бу мураккаб вазифаларни муваффақиятли бажариш ҳар бир ходимнинг ўз масъулиятини тўла ҳис этишига, ташаббускорлигига, ишга ижодий муносабатда бўлишига боғлиқдир.

Шунинг учун партия ташкилотларимиз идеологик, оммавий-сиёсий ишлар услуб ва методларини янада такомиллаштириб борадилар, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбия бирлигини таъминлайдилар. Юксак онгли интизом, чуқур эътиқод, актив ҳаётий позиция эса ҳамшаҳарларимизга партия XXVI съезди қарорларини изчил ҳаётга тадбиқ этиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажариш имконини беришни шубҳасиздир.

Ш. КАМОЛХЎЖАЕВ,
Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УСТОЗЛАР НАЗОРАТИДА

МУРАББИЙЛАР СОВЕТИ

Коммунист Валерий Михалкин номини 74-автокорхона коллективи тадбиркор, тажрибали, устоз ҳайдовчилардан бири сифатида ҳурмат билан тилга олишади. У кўп йиллардан бери самарали, ҳалол меҳнат қилиб коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номни шарафлаб келмоқда. Устоз шофер бир неча йилдан бери автокорхонадаги мураббийлар советига раислик қилмоқда. У кунлик топшириқларини 120—125 процент бажариш билан бирга ёш ҳайдовчилар билан ишлашга, уларга касб сирларини ўргатишга ҳам вақт топади.

Совет ишидан коллектив миннатдор. У янги ишчиларни тарбиялаш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга салмоқли ёрдам бермоқда. Унинг составида олти нафар ҳайдовчи ва икки нафар автослесарь бор. Уларнинг ҳаммаси шу коллективда меҳнатдан обрў-эътибор топган кишилар.

Автокорхонада кенг тус олган социалистик мусобақада улар доимо пешқадамлар сафида борадилар ва айни пайтнинг ўзида ёшларни ҳам самарали меҳнат қилишга ундайдилар. Коллективга янги ишчи келгудек бўлса, у шу куниёқ мураббийлар советининг рўйхатига киритилади. Келгусида унинг ҳар бир меҳнат куни, смена кўрсаткичлари муайян ветеран томонидан кузатиб борилади.

— Совет аъзолари, — дейди В. Михалкин. — яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган партия ветеранлари билан учрашувни ўзгача кўтаринкилик билан қабул қилдилар. Ветеранлар партия ва халқ орасида ҳамиша иззат-икромга сазовор бўлиб келаётганликлари барчамиз учун оламлом қувонч бағишлади. Бу учрашув бизнинг зиммамизга ҳам янада юксак масъулиятлар юклади. Аввалларидек ҳам гарчанд ёшларга ўз тажрибамизни ўргатишга, илғор иш усулларини оммалаштириш орқали меҳнат унумдорлигини юксалтиришга ва пировард натижада коллектив умумий кўрсаткичларини юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Коллективда Ҳ. Халилов, Б. Ниёзов, Ю. Тошпўлатов, П. Умаров сингари тажрибали устозлар ҳам баракали меҳнат қилиб келишаётир. Ёш ҳайдовчиларнинг нафақат меҳнат фаолияти, балки кундалик турмуши ҳам уларнинг доимий назоратида дейиш мумкин. Ветеранлар ёшлардан бир томондан техникадан унумли фойдаланиш, уларни авайлаб-асраш, ёнилғи исрофгарчилигига йўл қўймасликни талаб қилсалар, иккинчи томондан уларни жамоат ишида ҳам, оилада ҳам барчага намуна бўлишга чақирадилар. Шунинг учун бўлса керак, тажрибасиз ишчилар ҳам бир неча йиллар ўтишига қарамай ўз устозларини унутмайдилар, улар билан тезда учрашиб туришга ҳаракат қиладилар.

О. Сулаймонов, М. Собиров, Ш. Мусурмонов сингари сергайрат ҳайдовчилар Совет Армияси сафига хизматга чақирилгач, кўпчилик уларни бироз унутгандек бўлди. Лекин илк сабоқларини ана шу корхона мураббийларидан олган ёшлар ўзларининг жонажон коллективларини унута олмадилар. Йигитлик бурчларини адо этгач, яна тўғри 74-автокорхонага кириб келдилар.

— Ҳаётда шундай кишилар бўладики, уларга бир умр таъзим қилиб ўтасан, — дейди яқинда ҳарбий хизматдан яна ўз коллективи қучоғига қайтган автослесарь С. Жўраев. — Корхонамиз ветеранларини ана шундай кишилар дейиш мумкин. Бу ерга ишга келганимда бирорта касб-корим йўқ эди. Автослесарликни ўргана бошлаганимда аллanечук кейинчалик ҳам мустақил ишлай олмасам керак деб тушкунликка тушардим. Лекин тажрибали устоз З. Ҳамидовнинг ширин сўзи, ётиғи билан тушунтириши, эринмай бу касбнинг икир-чикирларигача ўргатиши натижасида қисқа муддат ичида мустақил ишлай бошладим. Эндиликда ҳар гал арзимас муваффақият, ютуққа эришганимда устозга қалбимда алланечук яна илиқлик туғилади.

Ҳақиқатан ҳам корхонанинг З. Ҳамидов, Ю. Қўчқоров сингари тажрибали автослесарларининг мураббийлик қилишлари ҳар қанча мақтовга лойиқ. Улар машиналарга техник хизмат кўрсатаётган барча ёшларнинг ишига бош-қош бўлишяпти. Энг мураккаб ремонт ишларини эса ўз зиммаларига олиб, ёшларни кузатиб туришга даъват этадилар. Келгуси галда эса кўзи пишиган ёш автослесарлар ҳеч қийналмай ҳар қандай мураккаб ремонт ишларини ҳам ўзлари бажараверадилар. Натижада автомашиналар ремонт устахонасида кўп туриб қолмайди. Қисқа муддатдан сўнг улар яна навбатдаги рейсларни бажаришга йўл оладилар. Шунинг учун бўлса керак коллектив мунтазам план топшириқларни зиёдаси билан адо этиб келмоқда.

Шу йилнинг ўтган олти ойи давомида автокорхона коллективи 1665,8 минг тонна халқ хўжалиги юкларини манзилларига элтиб берди. Бу пландагига нисбатан деярли 10 минг тонна кўп демакдир. Юк оборотининг ҳажми эса 100,2 процентни ташкил этди.

Аҳил коллектив беш йилликнинг марказий йилида ўз зиммасига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилган. Бу юксак мажбуриятни сўзсиз бажариш йўлида ҳар бир ишчи, хизматчи бир тан бир жон бўлиб меҳнат қилишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракатда ҳам корхона ветеранлари — мураббийлар кенгаши ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиз.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

БИЗНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИМИЗ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида «...ёшлар бизнинг ўринбосарларимиз. Замон ёшларнинг фойдасига ишламоқда, ўзи ҳам шундай бўлиши керак» деб тўғри уқтирди.

Ҳозирги ёшлар биз бошлаган шарафли ишни муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Чирчиқ шаҳри қурилиши менинг ёдимда. Ўшанда биз бугунги ёшлар каби юракда ўтимиз, биладиган кучимиз қайнаб тошган эди. Ёшлик ғайрати билан кенг адирда кўркам шаҳар яратдик. Янги завод, фабрикаларни ишга туширдик. Мана бугун шу корхоналарда бизнинг ўринбосарларимиз меҳнат қилишяпти. Уларнинг кўпчилиги бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга интилмоқдалар. Биз эса тез-тез у ҳузурида бўлиб, зарур маслаҳатлар бермоқдамиз, тажрибаларимизни ўртоқлашмоқдамиз.

Яқинда металлургия маданият саройида икки авлод вакилларининг ажойиб учрашуви бўлди. Унда ярим асрдан бери коммунист деган юксак номни пок сақлаб келаётган ветеранлар билан яқиндагина партия сафига кирган ёш коммунистлар ва комсомоллар қизғин мулоқатда бўлдилар. Кечада сўзга чиққан кекса авлод вакиллари партиямиз босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилдилар. Ёшлар эса оталар ишини давом эттиришга ваъда бердилар. Бундай учрашувлар ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйнамоқда, улар қалбида ўтмишга ҳурмат, келажакка ишонч ҳиссини кучайтирмоқда.

П. ПАНКРАТОВ,
1925 йилдан КПСС аъзоси, Чирчиқ шаҳри.

ТАЖРИБАЛАРИ—ҲАЁТ МАКТАБИ

БУ ИИЛ Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хўжалик активларини қобилиятларига қараб иш билан таъминлаш, айниқса қуйи бўғин раҳбарлигига тажрибали деҳқонларни кўтариш масаласига жиддий эътибор берилди. Жумладан, колхознинг адр ерларида жойлашган, қатор йиллардан бери қолоқликдан қутулолмай келаётган 15-бригадасига Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Султон Аҳмедов бошлиқ қилиб тайинланди.

Янги раҳбар дастлаб ишни 100 гектарлик пахтазорнинг ер шароитини синчиклаб ўрганишдан бошлади. Колхоз раҳбарларидан ёрдам сўраб, баланд-паст ерларни обдон сурдириб, текислатди. Тупроқнинг устки қатлами сурилган ерларга иложи борича кўпроқ маҳаллий ўғит солдириб, қайта ҳайдатди. Хуллас, бригаданинг бутун куч ва имконияти ерларни чигит экишга оби-тобида тайёрлашга сафарбар этилди.

Бу йил сув танқис бўлиши ҳам аввалдан ҳисобга олинди. Бунинг учун бригада ерини айланиб ўтадиган зовурнинг икки ерига кучли насос ўрнатилди. Сув танқислиги айни сезилган пайтларда ана шу насослардан 500 метр баландликка обиҳаёт олиб чиқилди. Бунда Абдулла Қосимов, Сарҳаддин Биналиев, Қувондиқ Аҳмедов, Қўшбой Архабоев сингари миришкорларнинг хизматлари катта бўлди.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Ҳасан Жўраев ва Соли Жумановлар сувчилар билан ҳамкорликда иш юритиб, тупроқ етилиши билан қатор ораларини пешма-пеш юмшатиб бордилар ва намнинг узоқ вақт сақланиб қолишини таъминладилар. Ҳозирги кунда бригада пахтазорларидаги ҳосил чўғи кўзни қувонтиради. 35 центнерлик марраниг эгалланишига шубҳа қилмаса бўлади.

Ветеран бошлиқ бригада коллективидан ўрнак олган К. Маркс номли ўрта мактаб комсомол-ёшларидан тузилган бригада аъзолари ҳам бу йил колхознинг ҳатто пахтакор бошлиқ бригадаларидан ҳам ярамайдиган зах ва шўрхок ерларидан 40 гектарини ўзлаштириб, чигит экишди. Улар тажрибали пахтакорлар маслаҳати билан иш юритиб, янги ерда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Қ. АБДУРАҲМОНОВ.



ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида мураббийлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Донгдор ишчилар, социалистик мусобақа пешқадамлари бир қатор ёшларни оталикка олиб, уларга касбларининг нозик сирларини мукаммал ўргатмоқдалар. Корхонанинг илғор тўқувчиси Машкура Қодирова шулар жумласидандир. Айни пайтда мураббийлик ҳаракатининг актив қатнашчиси 1988 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот топшириш билан бирга бир неча тўқувчига устозлик қилмоқда. Суратда: М. Қодирова (ўнгда) ўз шогирдлари (чапдан) Н. Дадамуҳамедова, А. Абзалова, М. Усмоновалар билан суҳбатлашяпти.

А. Тўраев фотоси.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

ҚАҲРАМОНЛАР ЁНИМИЗДА

Янгийўлда мангу олов,
Ловуллайди эртаю кеч,
Тебранишга ҳудди ялов,
Ёнар доим, сўнмайди ҳеч.

Тепасида икки солдат
Бири бирин суяб турар,
Ўққа учган бири наҳот,
Юрак санчиб, нотинч урар.

Машъум уруш кунларин у
Эсга солиб, порлаб турар,
Инсон бахтин ўйлаб мангу,
Тинчлик учун чорлаб
турар.

Бу шеърий мисраларни **«Янгийўл»** газетасининг ғалаба байрамига бағишланган саҳифасида ўқидик. Унинг муаллифи янгийўллик ёш қаламкаш Барот Ризабалатовдир. Содда, самимий мисралар. Оталар жасоратини ўйлаган, улар хотирасига тикланган ҳайкаллар, мангу оловлар олдида турган кишилар қалбида шундай дардли туйғулар, эҳтиросли мисралар пайдо бўлади.

1418 кунлик жасоратдан сўнг, халқимиз Буюк Ғалабага эришди, фашизм маҳв этилди. Лекин урушнинг оғир асорати элларда, далларда оғир дард бўлиб қолди. «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» деган шиор эримизнинг муқаддас сўзига айланди. «Янгийўл» газетасининг «Жасорат» саҳифаси материалларини кўздан кечириб, ўша шонли, оловли йиллар қаҳрамонларини, уларнинг мислсиз жасоратларини хотирга келтирамиз.

Газетанинг ҳарбий-ватанпарварлик саҳифаси вақтивақтида чиқиб турибди. Редакция ходимлари материалларни ранг-баранг, сермазмун бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ватанимизнинг ҳамма ерида бўлганидек, Янгийўлда ҳам уруш ветеранлари Советлари ишлаб турибди. Собиқ фронтчилар жамоат ишларида актив қатнашиб, ёшларни она-Ватанни севиш, унга садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келмоқдалар, турли жойларда уюштирилаётган учрашувларда фронт хотираларидан, ўзлари иштирок этган шиддатли жанглар ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Уруш ветеранларининг бир қисми халқ хўжалигининг турли соҳаларида актив иштирок этиб, ёшларга намуна бўлмоқдалар. Ана шундай фидойи кишилар фаолияти, фронтдаги жанговар ҳаётлари ҳақида материаллар бериб борилмоқда. Газетанинг шу йил 8 май сонида эълон қилинган «Халоскорлардан бири» ва «Афсонавий комбат» сарлавҳали лавҳалар ана шу мавзуда ёзилган қизиқарли материаллардандир.

Биринчи лавҳада фронтда жасорат кўрсатиб, қисмлар ва бўлинмалар алоқасини мунтазам боғлаб туришга катта ҳисса қўшган, Днепр, Десна дарёларини кечиб ўтиб, плацдарм учун бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган, «Қизил Юлдуз», III даражали «Шуҳрат» орденлари ва бир қанча жанговар медаллар кавалери, ниёзбошилик кекса шофер Турғунали Алимов ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккинчи лавҳада эса, гап истеъфодаги гвардиячи майор Григорий Дмитриевич Борисенконинг жанговар фронт ҳаёти ҳақида боради. Григорий Борисенко Улуғ Ватан уруши йилларида пулемётчилар взводига, кейинчалик батальонга командирлик қилиб, мислсиз жасорат кўрсатган офицерлардан бири бўлган. Унинг бўлинмаси қаерда ҳаракат қилмасин, душманнинг додини берган, ҳамма ерда босқинчиларни яксон этиб, ғалаба кунларини тезлаштиришга катта ҳисса қўшган. Бу жасоратга кўксида ярқираб турган иккита Александр Невский, тўртта Қизил Байроқ орденлари ва жанговар медаллари ҳам гувоҳ. Г. Д. Борисенко урушдан кейин Янгийўлдаги саноат корхоналарида меҳнат қилди. Ҳозир пенсияда. Ёшлар билан учрашувларда ва жамоат ишларида актив қатнашиб келмоқда.

Газетанинг ҳар бир ҳарбий-ватанпарварлик саҳифасида уруш ветеранларининг жасоратлари ва ижодий меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни ўқиш мумкин. Урушда яраланиб, ўз қисмига қайтолмаган, лекин орден ва медалга тақдим этилган жангчиларни йиллар ўтиб мукофотлари етиб келганлигини билдирувчи хабарлар ҳам бериб борилади.

Фронтда, ўтли жанггоҳлардаги дўстлик абадий бўлади. Уруш ветеранлари бир-бирлари билан хат олишиб, дўстликлари давом этиб, борди-келди қилиб турганликлари ҳақида ҳам қизиқарли материаллар бериб борилмоқда. Бундай материалларнинг бериб борилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Самарқандлик Александр Васильевич Ишутин янгийўллик Деҳқонбой Худойберганов билан фронтда бир бўлинмада — сапёрлар взводида душманга қарши курашган эди. Бу икки жанговар дўстнинг «Янгийўл» редакциясида бўлган учрашуви «Дийдор» лавҳасида эълон қилинди.

Газета сонларидан бирида «Қора хат йиртилди» деган хабар босилди. Янгийўллик Ашур Омонов ҳақида фронтдан қора хат келади. Ҳарбий врач Омонов жанг майдонидаги ертўлада яралорларни операция қилиб турганида, душман самолётлари у ерни бомбардимон қилади. Кўп киши ҳалок бўлади. Омонов яраланиб, ҳушидан кетади. Уни санитарлар олиб чиқиб, санбатга келтирадилар. Омонов даволаниб, қисмига қайтганида, уни ҳалок бўлган деб, оиласига қора хат ёзилган бўлади. Омонов қора хатни қўлига олиб йиртиб ташлайди ва урушнинг охиригача яралорларни даволаб орден, медаллар билан уйига қайтади. Қора хатдан кейин уйига қайтганлар кўп бўлган. Улар ҳақида кўпроқ материаллар берилса яхши бўларди.

Газетада ҳозирги кунда ҳарбий хизматини ўтаётган янгийўллик ёшлар ҳақида ҳам материаллар бериб борилмоқда. Янгийўллик Зокиржон Кўчқоров ўз қисмида ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда аълочи эканлигини қисм командирлари ёзиб юборибди. Газетада Зокиржоннинг фотосурати ва унинг аълочи солдат эканлиги ҳақида хабар босилган. Бу — эътиборли хабар. Газетада бундай хабарларни тез-тез бериб бориш керак. Ёшларимизнинг ҳарбий хизматни қандай ўтаётганликларини ота-оналари, улар таълим олган ўқув юрти ёки коллективи билишни истайдилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи ҳар бир газетанинг эътиборидан четда қолмаслиги керак. Бу КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талабидир. Ватан мудофааси, унинг чегаралари даҳлсизлигини қўриқлаётган аскарларимиз ҳақида, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари жасорати ҳақида материаллар уюштириш муқаддас ишдир. «Янгийўл» редакцияси коллективи бу соҳада ибратли иш кўраётганлиги эътиборга сазовордир.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.
Улуғ Ватан уруши ветерани.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ПАХТАНИ ЮҚОРИ СОРТГА ТОПШИРАМИЗ

КЎП ЙИЛЛИК бой тажрибага эга бўлган уста пахтакорларнинг, тадбиркор хўжалик раҳбарларининг маслаҳатларига амал қилган деҳқон янглишмайди. Пахтакор асосан далаларда мўл ҳосил тўплагунча ва у пишиб етилгунча машаққат чекади, дейишади улар. Аммо, йиғим-терим ишлари ҳар томонлама пухта уюштирилмаса, мавсум чўзилиб кетади, паст сортли пахта миқдори кўпаяди, оқибатда умумий даромад камаяди. Уста деҳқон ва тадбиркор раҳбарлар масаланинг бу томонини ҳам назарда тутадилар, албатта. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг моддий-техника базасини, колхоз ва совхозларни 1983 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга шай қилиб қўйиш қандай бораётганлиги ҳақида»ги қарорида ҳам бу соҳада жуда қимматли маслаҳатлар, кўрсатмалар берилган.

Бизда 890 гектар пахта майдонининг 450 гектари яшлоқ ер. Ғўзани суғориш, эътга тўйдириш ва культивация ўтказишда катта фарқ бор. Масалан, тошлоқ ерлардаги ғўзалар ўсиш даврида олти марта сув ичади. Бошқа карталарга эса тўрт марта сув таралади, холос.

Маълумки, тошлоқ ерлардаги ғўзалар паст бўйли бўлиб ўсади, кўсаклари ҳам майдароқ бўлади. Шунинг учун айрим хўжаликларда кўчат қалинроқ қолдирилади. Биз эса тажрибали пахтакорлар ва мутахассисларимизнинг маслаҳатлари билан тошлоқ ерларга ҳам қатор ораларини 90 сантиметр қилиб чигит экдик. Кўчат қалинлиги ҳам 106—108 минг тупдан иборат бўлди. Ҳосил чўғи эса бошқа карталардагидан қолишмайди. Хўш, бунга қандай қилиб эришдик?

Тошлоқ ерлардаги ғўзаларга йиллик нормадаги минерал ўғитлар ҳар бир сув олдидан ўтказиладиган культивация пайтида, яъни одатдагидек уч марта эмас, олти марта берилди. Шу йўл билан қатор ораларига солинган ўғитнинг юз фоиз ғўзага нафи тегиши таъминланди. Агар бу усул қўлланилмаганда ер тошлоқ бўлганлиги учун кўп миқдорда солинган ўғит сув таралган пайтда ерга тез шимилиб кетиб, ғўзага фойдаси тегмай қоларди.

Бу йилги об-ҳаво шароитида ғўзалар бир картанинг ўзида баланд-паст бўлиб ривожланди. Натижада чеканка ўтказишда тадбиркорлик билан иш кўришга тўғри келди. Шуни ҳисобга олиб биз бир сидра машинада чеканка ўтказилганидан сўнг колхозчиларни бу ишга оммавий сафарбар этдик. Қисқа вақт ичида ғўзанинг ён шохлари учлари ҳам чилпиб чиқилди. Бу тадбир қисқа муддатда сифатли ўтказилганлиги учун кўсаклар тез йириклашмоқда.

Дефолиациягача ҳамма карталарда план ва социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажариладиган даражада мўл ҳосил тўпланган бўлиши кераклигини пахтакорлар яхши билишади. Чунки пировард натижа, яъни ҳосилнинг чўғи, умумий хирмоннинг баракаси, пахтанинг сорти ва ниҳоят олинадиган соф даромад худди шу масалага боғлиқдир. Биз дефолиация ўтказишда самолётлардан аллақачон воз кечганмиз. 9 та ОВХ аппаратимиз бор. Демак, заҳарли моддани ҳамма карталарга бир ҳафтада сепиб чиқиш имкониятига эгамиз. Уч тоннага яқин бутефос препарати келтириб қўйилган. Ҳозир тошлоқ ерлардаги ғўзаларнинг остки қисмида кўсаклар очила бошлади. Дефолиацияни шу карталардан бошлаймиз. Тахминий ҳисобимизга қараганда бу муддат 7—8-сентябрларга тўғри келади. Қолган зоналарда эса 12 сентябрдан дефолиацияга киришамиз ва уч-тўрт кундан кечиктирмай тугаллаймиз.

1983 йил пахта ҳосили янги ГОСТ бўйича хўжаликларнинг қайси зонада жойлашганига қараб оширилган нархларда қабул қилиниши партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар меҳнатини юксак қадрлаётганлиги, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш борасида чинакам ғамхўрлик кўрсатаётганлигининг яна бир ёрқин далилидир. Бу ғамхўрликларга амалий жавоб бериш пахтакорларнинг шарафли бурчидир. Бунинг учун аввало юқори сортли пахта миқдорини кўпайтириш лозим бўлади.

Йиғим-теримга тайёргарлик кўриш жараёнида бегона ўтларга қарши оммавий кураш эълон қилдик. Чунки, карталарни ўтдан тозаламай туриб, машина теримини бошлаш мумкин эмас. Акс ҳолда пахта нфлосланиб, сорти пасайиб кетади. Шуни ҳисобга олиб, колхозда махсус комиссия тузилди. Улар 20 августдан бошлаб ҳар бир картани синчковлик билан текширишга киришдилар. Бегона ўт бор бўлган карталар аниқланганда, у қайси бригадага тегишли бўлса, шу бригада аъзоларининг август ойи иш ҳақи берилмай тўхтатилиши қўл келади, албатта.

Нарядсиз ишлашга ўтган Эркин Ҳамдамов, Малик Қўзиев, Деҳқон Икромов, Раим Йўлдошевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда, айниқса, мўл ҳосил етиштирилди. Бу коллективлар ҳосилдорликни 45—50 центнерга етказиш мажбуриятини олишган.

Колхоз правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари теримда юксак суръат ва сифат бўлишини таъминлаш мақсадида социалистик мусобақанинг таъсирчан формаларидан фойдаланиш тадбирларини белгиламоқдалар. Бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашувига ҳар беш кунда, механик-ҳайдовчилар мусобақасига эса ҳар куни якун чиқариб борилади. Кунлик теримда энг юқори кўрсаткичга эришган механик-ҳайдовчиларга бериладиган мукофотлар эртаси куни тушлик пайтида дала шийпонида тантанали равишда топшириб борилади. Бунинг учун пул мукофотидан ташқари, асосан қимматбаҳо совғалар тақдим этиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, транспорт трактори ҳайдовчилари, тўкилган пахтани пешма-пеш теришда қатнашадиган колхозчиларнинг меҳнати ҳам ҳар куни муносиб тақдирлаб борилади.

Бир сўз билан айтганда пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан жадал суръатларда олиб бориш, сортли пахта миқдорини ҳар йилдагига нисбатан анча кўпайтириш, бу йилги мавсумда ҳосилдорликни камида 40 центнерга етказиш учун барча мавжуд резерв ва имкониятлар тўла ишга солинади.

Х. ШИРИНОВ,
Пискент районидаги Калинин номли колхоз правленеси раиси.



*

ФАРИДА ХАЛИЛОВАнинг (суратда) Ғалаба районидаги «Москва» колхози сут-товар фермасида меҳнат қилаётганига ўн йилдан ошди. У ҳар йили зиммасига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Бу йил моҳир сут соғувчи боқимандаги ҳар бир сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган.

Қ. Розиқов фотоси.

(ЎзТАГ).

*

ЎРИМ ҚИЗҒИН

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Коммунизм» колхозининг Араб Шомуродов етакчилик қилаётган 8-бригадаси деҳқонлари каноп ўрим-йиғимини қизғин олиб боришяпти. Лубкорлар бу йил 30 гектар каноп майдонининг ҳар гектаридан пландаги 184 центнер ўрнига 220 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилишган.

Бригадада ўрим-йиғим ишлари конвейер усулида ташкил этилган. Аъзам Бўрибоев каноп ўриш агрегатини юксак унум билан ишлатяпти. Ислом Жаринов ва Мирғалим Сотиболдиевлар эса «ЛО» маркали янчиш агрегатларини бошқаришмоқда. Лайло Пардаева, Бексулув Тўлепберганова, Дилрабо Бойжонова, Холқиз Туранбоева сингари мириштикорлар каноп ўрим-йиғимида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Лубкорлар, ўрим-йиғимни қисқа муддатларда тугаллаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

К. РАИМҚУЛОВА.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КИШИЛАРИ

СУНБУЛА ТУШГАН КЕЧА

ҲОЗИРГИНА офтоб тушиб турган ерлар Коржантов тоғининг соясида қолди. Оқиш осмондаги бир тўда булутнинг усти қизғиш ранг олган. Шом қоронғуси жарликлар ва пастқамликлардан қир теппасига ўрмалайди. Тепалик устида чодир тикилган. Берироқда бир тўда улкан ёнғоқлар остидаги ўчоқ ёнидаги супада икки киши чордона қуриб ўтиришибди. Чигирткаларнинг тўхтовсиз бир маромда чириллаши ва йилқиларнинг аҳён-аҳёндаги дўпир-дўпири демаса, атроф жим-жит.

Ўтирганларнинг бири ўрта бўйли, чайир, 55—60 ёшлар атрофидаги киши. Ёнидаги алпқомат йигитчанинг юз тузилиши, бутун соқисумбати суҳбатдошиникига ўхшаб кетади. Ота-бола иккиси ҳам оқ кийимда. Фақат отасининг эгнидаги яктагининг бироз охори тўкилганроқ.

Узоқ жимликдан сўнг:

— Ўғлим, Тошкентда токайгача юрмоқчисан?— дея узилиб қолган суҳбатга жон киргазди ота.

— Ахир бекор юрганим йўқ-ку, ишлаяпман.

Ота пиёладаги аллақачон совиб қолган чойни бир хўплашда ичди-да, сал дағалроқ қилиб сўзлай кетди:

— Тўғри, ишлаяпсан. Лекин, қани айт-чи, шу ишинг ўзингга маъқулми?

— ...

— Демак, маъқул эмас. Бундан чиқди Тошкентда яшаш учун ҳар қандай иш қилишга розисан, шундайми?

— Э, йўқ, дада, ундай эмас. Биласизми, қишлоқда одам жуда зерикади. Ишдан кейин яйраб-яшнаб ҳордиқ чиқарадиган жой йўқ...

Ўғлининг сўзлари Хотам акани ўйлатиб қўйди. Ўзи ҳеч қачон бу ҳақда ўйламаган экан. Ҳақиқатан ҳам, ёшлар ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқарадиган тузукроқ жой йўқ. Уларнинг ўзлари ҳам ташаббус кўрсатиб мана шундай ишларга бошқош бўлишни истамайдилар. Лекин шундай бўлса ҳам, ота ўғлининг ўз ёнида бўлишини жуда-жуда истар эди.

— Ўғлим, буванг ўтган йили 83 ёшида вафот этди. Ҳовлига тумонат одам йиғилди. Баъзиларнинг тўйига бунчалик халқ йиғилмайди. Нега шундай бўлди? Негаки, буванг қишлоғимизда илк бор ташкил этилган «Меҳнат-бирлик» колхозини «опичлаб» катта қилганлардан эди. У бойлардан олинган бешта йилқини боқиб, юзтага етказган. Ҳозир мен ва амакинг боқаётган йилқилар ана ўша уюрлардан тарқалган. Билдингми, Комил?! Содда қилиб айтганда, биз бувангнинг ишини давом эттиряпмиз. Бизнинг ишимизни эса энди ким давом эттиради?!..

Хотам ака бироз тин олди. Гўё нафасини ростлагандек бўлиб, сўзида давом этди;

— Эскилар «Чорвалининг оғзи мой» дейишган. Ҳукуматимиз ҳам чорвани кўпайтиришга катта эътибор беряпти. Буни бизга қилинаётган ғамхўрлик орқали ҳам кўриб турибмиз. Деярли кун ора совхоз директори Толибжон Саидаҳмедовнинг ўзи ҳолимиздан хабар олиб туради. Бу ҳурмат, бу эътибор, ўғлим. Тиллахўжаев десанг билмадим-у, лекин «Хотам йилқичи» десанг бутун Бурчмулла-ю-Боғистон, Сижжагу-Нанай, Яккатуту-Писком билади. Тунов куни газетадан мухбирлар келишиб, ёзиб кетишди. Бири жуда ҳазилкаш экан. Онангга «Қаҳрамон она» экансиз, Хотам акамни топганини ёд ётмайсизми?»— деди. Аммо, Тўйди ҳам боплади. «Мен ишламасам, бир этак болани сиз боқасизми?» деди-я, томдан тараша тушгандек қилиб...

...Ўғил отасининг гапларини индамай тинглаб ўтирар экан, бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, Хотам ака қўли билан унга «шошма» ифодасини қилди ва сўзида давом этди:

— Болам, йилқичилик ёмон касб эмас. Мана,ўн саккиз ёшимдан шу ишдаман. Медалларим, ёрлиқларим бор. Булар бекорга келмаган. Сўнгги ўн йил ичида уюрдаги 10 бош биядан 10 тадан қулун олляпмиз. Онанг ҳам 14 йилдан бери бия соғади. Бу йил давлатга бултургидан кўпроқ, яъни 3,5 тонна қимиз топширамиз деб турибмиз.

— Дада!..

— Э... гапни бўлмай турсанг-чи,— деди Хотам ака пешонаси тиришиб.— Мен, сени йилқи боққин, деяётганим йўқ. Бу иш ёқмаса, совхозда ҳам қурилишлар бор, ўз касбингни қилаверасан. Энди, очиғини айтганда, онанг иккимизнинг орзу-ҳавасимиз бор, ахир. Сени уйлантирсак, невара кўрсак, деймиз. Опаларингнинг болалари бор, тўғри, аммо ўзинг биласан, ўз тойчоғимиз бўлса деймиз.

...Шарқ томонни ўраб олган баланд тоғ чўққиларининг усти қизара бошлади. Водийни чўлғаб олган қўриш туман аста тарқалиб, атроф ёришди. Қушларнинг овози қолди.

Тўйди опа чодирдан чиқиб, юз-қўлини ювди-да, ота-болага яқинлашди:

— Совуқ. Сунбула тушдими дейман. Ота-бола тонг отгунча эзмалик қилдингизларми?— деди у Хотам акага маъноли назар ташлар экан. Чорвадорлар одатдагидек ўзларининг эрталабки юмушлари билан банд бўлишди. Бироздан сўнг Комил биялар орасида ўралашиб юрган ота-онаси олдига борди:

— Мен кетяпман. Ишга боришим керак...

— Майли, ўғлим, бора қол...

Комил бироз юргач, тўхтаб орқасига ўгирилди ва ҳамон ундан кўз узмай турган отасига қараб қичқирди:

— Дада, шу ҳафта ичи... Қишлоққа қайтиб келаман... Ёнингизга келаман. Дадажон!..

Ота қулоқларига ишонмади. Томоғига алланарса тиқилгандай бўлди... Кўзларига ёш келди...

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози.

ЛАВҲА

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ТИНЧЛИК ПОЙГАСИ

БЕРЛИН, 29 август. (ТАСС мухбири В. Смелов). Берлинликлар ва ГДР пойтахти меҳмонларидан 35 мингга яқин киши бу ерда бўлиб ўтган «Берлин тинчлик пойгаси» вақтида ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларни ядро фалокатидан ҳалос этиш учун бутун кучни сарфлашга интилаётганлигини айтди. Биринчи сентябрь куни ўтказиладиган Жаҳон Тинчлик кунига бағишланган спорт мусобақаларида ГДР барча округларининг меҳнаткашлари, республика спорт жамиятларининг кўплаб аъзолари, таниқли спортчилар, шунингдек чет эллик меҳмонлар иштирок этишди.

Спорт байрами бошланишидан олдин бўлиб ўтган митингда гимнастика бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони, ГДР жаҳон кенгашининг активисти Карин Бюттнер— Янц ҳалқаро ҳавфсизликни таъминлаш учун курашда спортчилар муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаб ўтди. Спортчилар ва спортчи қизлар тинчлик учун ғоятда куч-ғайрат сарфламоқдалар ва тинчликни амалий ишлар билан пухта ҳимоя қилишга тайёрдирлар. Биз ядро уруши хавфини туғдираётган АҚШ режалари амалга ошишига йўл қўймаймиз, СССРнинг қуролсизланиш юзасидан барча халқлар ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушувчи тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, деб таъкидлади Карин Бюттнер—Янц.

Якшанба куни Берлинда бўлиб ўтган турли мусобақаларда Москва, София, Будапешт, Варшава, Прага ва Бухарест спортчилари иштирок этишди. Ранг-баранг маданий программа спорт байрамининг янада мароқли ўтишига кўмаклашди. Программага мувофиқ, ГДР пойтахтининг таниқли артистлари ва мусиқачилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Ческе — Будеевице шаҳрида «Ер—ризқ-рўзимиз» мавзуида очилган қишлоқ хўжалик виставкасида ЧССРдаги 220 тадан кўп корхона, қишлоқ хўжалик кооперативи ва илмий тадқиқот институтлари, шунингдек Болгария, Венгрия, ГДР Польша ва Совет Иттифоқининг турли ташкилотлари ўз ютуқларини намойиш этдилар.

Бу йилги ана шу анъанавий кўрик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга, меҳнатни ташкил этиш ҳамда ерга ишлов беришга, резервлардан фойдаланишга оид сўнгги илмий-техника ечимларини намойиш этишга бағишланди.

Ҳар доимгидек СССР экспозицияси зўр қизиқиш уйғотмоқда. «Ер—ризқ рўзимиз» виставкасида СССР қарийб 10 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келмоқда. Бу сафар Озиқ-овқат программасини бажаришда совет фани қўшган ҳиссани намойиш этишга бағишланди.

● БАЙРУТ. Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ливанга қарши Америка-Исроил фитнасини қоралловчи баёнот эълон қилди. Тель-Авивнинг Исроил қўшинларини Аввали дарёси соҳилларига кўчириш тўғрисидаги қарори Америка маъмурияти билан Бегин ҳукумати биргаликда ишлаб чиққан экспансиячилик режасининг таркибий қисмидир. Исроил босиб олган Ливан ерларини абадий ўзлаштириб олиш шу режанинг асосий мақсадидир. Исроил маъмурлари ана шу мақсадга эришиш йўлида сиёсий шантаж қилиш, ўта шафқатсиз жабр-зулм ва репрессияларни қўллашгача ҳар қандай усуллардан фойдаланмоқдалар.

Ливан ватанпарвар кучлари, дейилади баёнотда АҚШ ва Исроилнинг мамлакатни парчалаб ташлаш ва бу ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидаги уринишларига қарши курашмоқдалар. Улар Исроил интервенциячиларига қарши, Ватанни тўла озод қилиш учун курашни қатъий давом эттираверадилар.

(ТАСС, 29 август).



● ФРАНЦИЯ. «Юманите» газетасидан олинган ушбу суратда Див шаҳридаги «ПЮК» химия концерни корхоналари ишчиларининг норозилик намойиши акс эттирилган. Улар завод маъмуриятининг корхонани бекитиш тўғрисидаги қарорига норозилик билдирмоқдалар. Шаҳар раҳбарлари ва касаба союз активлари ишчиларнинг ҳаққоний талабларини қўллаб-қувватладилар. ТАСС фотохроникаси.

ЖУДА КАТТА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

ВАШИНГТОН, 29 август. (ТАСС мухбирлари). Ўтган якшанба куни «Иш, тинчлик, эркинлик!» деган шиор остида Вашингтонга юриш ўтказилди. Бу юриш Рейган маъмуриятининг сиёсатига қарши Америка жамоатчилигининг жуда катта норозилик намойишига айланди.

Негрларнинг атоқли раҳбари Мартин Лютер Кинг бошчилигида Вашингтонга қилинган тарихий юришнинг йигирма йиллигига бағишланган бу намойишни тайёрлашда АҚШдаги етти юз касаба союз, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва диний ташкилотлар қатнашди. Қўшма Штатларнинг тўрт юз шаҳридан ва бир қанча чет мамлакатлардан, шу жумладан, Япония, Швеция, Буюк Британия ва Финляндиядан келган намойишчилар Америка пойтахтига қараб йўл олдилар. Тўрт юз мингга яқин киши конгресс биносидан Линкольн мемориали томон борди. У ерда митинг ўтказилди.

Мартин Лютер Кингнинг беваси Коретта Кинг шу ерда ҳозир бўлган кишиларга мурожаат қилиб, бундай деди: Мартин Лютер Кинг ўзининг машҳур нутқида «Менинг бир орзум бор, деган эди. Мен барча америкаликлар — қора ва оқ танли кишилар тенг бўладиган ва ўзларининг келажаги учун хавфсирамай яшайдиган кунни орзу қиламан». Аммо, деб таъкидлади К. Кинг, орадан йигирма йил ўтса ҳам унинг орзуси орзулигича қолмоқда.

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯНИНГ РЕЖАЛАРИ БАРБОД ЭТИЛМОҚДА

МАНАГУА, 29 август. (ТАСС мухбири). Қўшма Штатлардан ҳарбий ва молиявий ёрдам олаётган сомосачи каллакесарларнинг қонли жиноятлари учун бевосита жавобгарлик Рейган маъмурияти зиммасига юкланади. Сандиночи миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, Никарагуа ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега бу ерда шу ҳақда гапирди.

Никарагуа давлат хавфсизлик органлари, деб хабар қилди у, яқинда контрреволюциянинг яна бир фитнасини фош қилдилар. Мамлакатда эндигина қуриб битказилган биринчи геотермик электр станциясини портлатиш планлаштириб қўйилган экан. АҚШ ҳукумати диверсантларни қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳукумат сандиночилар революциясини йўқ қилишга интилмоқда ва шу мақсадда террордан тортиб туҳмат кампаниясигача ҳамма воситалардан фойдаланмоқда. Аммо Вашингтоннинг кирдикорлари муқаррар барбод этилади. Никарагуа халқи, деб таъкидлади Д. Ортега, революцион ғалабаларни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

С. ГОРБУНОВ.

ИЗЛАР УЗАЯДИ

ТОШКЕНТ трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи шаҳримизнинг 2 минг йиллик юбилейига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Электротранспорт тармоқларини кенгайтириш, трамвай линияларини жорий ремонтдан чиқариш, янги маршрутларни очиш ишларини янада жонлантириш мақсадида социалистик мусобақа авж олдирилди.

Яқинда Генерал Петров кўчасидаги трамвай изларини янгиланди, Т. Шевченко кўчасидаги троллейбус симларни тартибга келтирилди. Шу билан бир қаторда янги вагонлар билан тўлаётган деполарни янада кенгроқ майдонларга кўчириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳадра майдонида жойлашган трамвай депоси тез кунлар ичида Ғафур Ғулом кўчасида қурилаётган депога, 1-троллейбус депоси эса Самарқанд дарвоза кўчасига кучиб ўтади.

ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

МАТЛУБОТЧИЛАРНИНГ ГЎШТ ЦЕХИ

Коммунистик район матлубот жамияти ёрдамчи чорвачилик хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Дастлаб 100 бош қорамол боқила бошланган эди. Ҳозир ферма кенгайди. Қорамоллар бош сони кўпайди. Уларни парвариш қилиш намунали йўлга қўйилди.

1983 йилнинг ўтган ойларида эришилган натижа янада қувончли бўлди. Эл дастурхонига 327,8 тонна гўшт етказиб берилди. Қорамоллар маҳсулдорлиги кескин ортди. Ҳар бир қорамол 460—470 килограммдан тош босди.

Бўрдоқичилик фермасида саккиз киши меҳнат қилади. Маҳамат Исломқулов, Турди Искандаров, Рустам Исломов сингари молбоқарлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан эл дастурхонига мўл-кўл гўшт етказиб беришни таъминламоқдалар.

Матлуботчилар пархез гўшти етиштириш мақсадида кичик паррандачилик фермаси бунёд этишган эди. Яқинда бу ферма реконструкция қилина бошланди. Унинг ўрнида йирик саноат типидаги паррандачилик фабрикаси қуришга киришилди. Бу ерда 4 та товуқхона бўлиб, 20 минг бош парранда боқилади. Келгуси йилнинг ўзида 3 миллион дона тухум, 30 тоннадан ортиқ гўшт етиштириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, фабрикада ҳар йили 600 минг дона жўжа очириш қувватига эга бўлган инкубатория ҳам ишга туширилади. Бу ерда очириладиган наслдор жўжаларнинг 80—85 проценти колхоз-совхозларга ва аҳолига сотилади.

Матлуботчилар барча ишларни ҳашар усулида бажаришади. Масалан, қишлов учун озуқа жамғаришда район матлубот жамиятининг ишчилари навбати билан дам олиш кунлари ишладилар. Шу кунгача қирадирлардан 300 тоннадан ортиқ дағал хашак жамғариб олинди. Бундан ташқари 25 гектар ер ўзлаштирилди. Бу ерга куза озуқа учун арпа, буғдой сепилади.

— КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида тасдиқланган Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган коллективимиз ишчи-хизматчилари бундан буён ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш учун курашадилар, дейди район матлубот жамияти раиси Жамолиддин Абдусаломов. — Бунинг учун барча имкониятлар бор. Биз эндиликда биринчи навбатда қорамоллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтирамиз. Зотан ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулот райондаги ошхоналар ҳамда аҳоли дастурхонини янада тўкин қилиш имкониятини бермоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

«ПАХТАКОР»ДА СИЗНИ КАТТА БАЙРАМ КУТАДИ

Стадионда тумонат одам. Майдонда спортчилар, байроқдорлар, ёш гимнастикачилар. Марказий секторда ўтирганлар киши эътиборини ўзига жалб қилади: уларнинг киймлари бир хил, қўлларида эса турли рангларда товланувчи байроқчалар, рўмолчалар.

Тантанавор музика садолари янграйди. Секторлардагилар режиссёрнинг ишораси билан ҳаракатга тушиб Кремль Спасский минораси Курантини акс эттирадилар. Стадион узра соат миллари бир маромда уриб турипти. Бу товушлар рамзий маънода Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллик юбилей тантаналари бошланганлигини билдиради. Сўнгра байрам фанфараси янграйди. Бадиий фондда СССР ҳамда Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари, Тошкент шаҳри герби, «2000» рақами намоён бўлади...

Бу манзаралар ҳозирча машқда ясаб кўрилмоқда. Тантаналар сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Марказий «Пахтакор» стадионида ўтказилади. Минглаб тошкентликлар, хорижий мамлакатлардан, бепоён юртимизнинг турли бурчакларидан, республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан келган меҳмонлар Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллик юбилейига бағишланган ана шу маросимда иштирок этадилар.

СССР Футбол федерацияси Тошкент шаҳри юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан футбол ўйинлари рўйхатига ҳам ўзгартишлар киритди. Жумладан, «Пахтакор» — «Арарат» ўйини 2 сентябрдан 1 сентябрга, «Пахтакор» — «Торпедо» (Кт) учрашуви 10 сентябрдан 11 сентябрга кўчирилди.

Айни кунларда юбилей тантаналарига қизғин тайёргарлик давом этмоқда. Бадинйлаштирилган спорт байрамларини пойтахтдаги барча спорт комплекслари ва стадионларида ўтказиш мўлжалланган. Лекин энг катта тантана «Пахтакор» стадионида бўлади. У Москвада бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросимларига ўхшаб кетса, ажаб эмас.

Бевосита бўлажак тантаналарни ўтказиш билан алоқадор ҳамма ташкилотларнинг номларини бирма-бир санаб чиқиш жуда қийин. Лекин шуни айтиш мумкинки, театрлаштирилган спорт байрами қатнашчиларининг сони 17 минг кишидан иборат. Биз бу ерда томошабинларни назарда тутаётганимиз йўқ. Байроқдорлар отряди 400 кишидан, гимнастикачилар 1200 кишидан иборат бўлади. Стадионда томошабинлар 72 хил товланадиган манзараларни кўрадилар. Бу жуда улкан ва тасаввур этиш қийин бўлган томошалардир.

Айни кунларда шаҳримизда тантаналарни ташкил этиш бўйича бир қатор тажрибали мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Улардан бири РСФСР халқ артисти Борис Петровдир.

Ленинграддаги маданият институтининг режиссура кафедраси профессори Д. М. Гелкин ёзган сценарийга Борис Петров бош режиссёрлик ва постановкачилик қилмоқда. Унга Москвадаги Олимпиада ўйинлари кўргазмали спорт чиқишларида бош режиссёрга ўринбосарлик қилган М. Герельман, спорт бўйича бош режиссёр Т. Иброҳимов, республикада хизмат кўрсатган артист В. Исмоилов, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройининг бош режиссёри А. Раҳимов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими Э. Колесовский, СССР спорт мастерлари Р. Исянов, В. Колодяшний, шунингдек, Москва ва Ленинграддан келган мутахассислар А. Пастернак, эр-хотин Кудряшовлар, М. Закута, Л. Немчик ва бошқалар ёрдам беришмоқда. Сценарийда белгиланганидек, стадион узра республиканинг турли областларидан келган халқ ҳофизларининг қўшиқлари янграйди. Шунингдек, шоирлар А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Фарҳодий, А. Хўжаев, композиторлар Д. Тухманов, Я. Френкель, Г. Свиридов, А. Мансуров, Е. Ширяев, Е. Живаев, Д. Саидаминовалар нинг Тошкент ҳақидаги куй ва қўшиқлари ижро этилади.

Байрам кунида томошабинлар совет Шарқининг ўтмишдаги ночор аҳволини ва унинг бугунги кунда барқ уриб яшнаётган ҳаётини акс эттирувчи ўнлаб театрлаштирилган томошаларни кўришга муваффақ бўладилар. Ленин ва Коммунистик партияни, тинчлик ва қардошликни, бунёдкор меҳнат кишисини шарафлаб айтиладиган оташин сўзларни тинглайдилар. Қизғин учрашувларнинг гувоҳи бўладилар.

Шу кунларда шаҳарнинг барча стадион ва иншоотларида қизғин репетиция бормоқда. Шубҳасиз, тайёрланаётган катта байрам программаси Тошкент ва тошкентликлар ҳаётида энг унутилмас ҳамда ҳаяжонли воқеалардан бири бўлиб қолади.

П. АБДУЛЛАЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ
«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
176-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

электрокар ҳайдовчиси малакаси бўлган автослесарь, (билим юрти битирилгандан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ. Ана шу ихтисосликка ўқиётганлар ётоқхона билан таъминланмайди; электрик, электр-газ пайвандчиси, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механик, ОТК контролери, дурадгорлик. Ўқиш муддати — 3 йил; универсал фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприк кранларининг машинисти. Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил; силлиқловчи, механика-йиғув ишлар бўйича слесарлик малакаси бўлган синовчи-трактор ҳайдовчи, ўқиш тугагандан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади, электр пайвандчи. Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тугаллаганлар тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва ҳунар эгаллайдилар, шунингдек, олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Барча қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош, коржома билан таъминланадилар, эҳтиёжи бўлган[illegible] секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш в ёнида ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топ-ган пулнинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, сув ҳавзаси ва ётоқхонаси бор. Эстрада, духовой ва миллий чолғу асбоблари ансамбллари мавжуд.

Билим юрти ҳузурида ДОСААФ спорт-техника мактабининг (картинг ва мотоспорт) филиали ишлаб турибди. Езги каникул вақтида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида соғломлаштириш-спорт лагери мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома; таржиман ҳоли, яшаш жойидан, ота-оналаридан бирининг иш жойидан справкалар, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, «Ташавтомаш-1» массиви (1, 1 «э», 16, 24-автобусларнинг Трактор заводи бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «ТТЗ-4 массиви» бекати).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 31-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—84 ўқув йили учун

15, 16, 17 ва ундан катта ёшдаги йигитларни ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди:

Қўлда пайвандловчи электрпайвандчи, токарь.

Ўқиш муддати 6 ой. Ҳар ойда 62 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Пассажир вагонларининг проводниги, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь.

Ўқиш муддати 1 йил (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади).

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси.

Ўқиш муддати — 1,5 йил. Фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти.

Ўқиш муддати — 2 йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади.

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз ва электровознинг электр ускуналари ремонти бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь (электр поездлар, тепловозлар), токарь, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь.

Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиганлар ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини тугатганлар темирйўлчилар учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жумладан, Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳарига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати. 72, 48, 80-автобусларнинг «Котельная» бекати). Телефон: 96-34-90.

Ф. Хўжаев номидаги 1-пойабзал фабрикаси қошида очилган
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойабзал қисмларини бичувчилар, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам равишда ишлайди. Булардан ташқари билим юрти қошида бепул болалар ва аёллар кўйлакларини бичиш-тикиш курси очилган, битирувчиларга гувоҳнома берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ИШЧИ ЕШЛАР МАКТАБИ БОР.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга техникум ва институтга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан, саломатлиги ҳақида справкалар, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг, «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ШАҲАР ТАРИХИДАН СЎЗЛАР КИТОБЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ Н И Н Г 2000 йиллиги ва буюк ўзбек мутафаккири Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида бу қутлуғ саналарга тайёргарлик қизғин.

Кутубхона ходимлари китобхонлари қадимий ва навқирон шаҳримиз билан яқиндан таништириш мақсадида турли лекциялар уюштирмоқдалар, махсус стендлар ҳозирламоқдалар. Ҳозирги кунга қадар бу ерда 15 маротаба лекциялар уюштирилди, кўргазмалар залида «Афсоналарда мадҳ этилган шаҳар», «Дўстлик ва биродарлик шаҳри», «Шарқнинг машъали», «Тошкентнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи» ҳамда бошқа кўплгина мавзуларда кўргазмалар намойиш этилди. Шу кунларда эса «Асрлар қаъридан коммунизм чўққилари сари» деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги Туркистон ўлкаси, жумладан, Тошкент шаҳри ҳақида қисқа қилувчи кўплаб нодир асарлар бу кўргазмадан алоҳида ўрин олган. 1890 йилда Санк-Петербург ҳарбий нашриётида А. Макшеев томонидан чиқарилган «Туркистон ўлкаси ҳақида тарихий обзор. Россиянинг бу ўлкани ўз территориясига қўшиб олиш учун ҳаракати» китоби, 1895 йилда Г. Каменскийнинг шахсий литографиясида босилган «Ўрта Осиё» деб номланган илмий-адабий альманах, 1906 йилда С. Канопка нашр қилган «Тошкент шаҳри» йўл-кўрсаткичи ва бошқа ноёб тарихий асарлар китобхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ф. Азадаевнинг «Тошкент— XIX асрнинг иккинчи ярмида», Ю. Буряковнинг «Тошкент воҳасининг қадимги карвон йўллари» ҳамда «Тошкент областидаги археологик обидалар», Россия армияси Бош штабининг капитани Е. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат»и, шунингдек, «Шошнинг қадимги ва ўрта асрлардаги маданияти», «Тошкент обидалари» деб номланган тўпламлар ҳам кўргазмадан ўрин олган. Айни пайтда кутубхона ходимлари Ал-Хоразмийнинг юбилейига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этишмоқда.

Шунингдек, кутубхонада «Тошкент ва тошкентликлар» мавзуида китобхонлар нинг Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилаяпти. Айниқса, биринчи ўзбек машинистлари Башорат Мирбобоева ҳамда «Известия» газетасининг Ўзбекистондаги мухбири Георгий Димовлар билан ўтказилган учрашувлар китобхонларда катта таассурот қолдирди.

Кутубхонанинг илмий — библиография бўлими ходимлари ҳам юбилейга ўзларининг муносиб туҳфаларини ҳозирладилар. Улар рус ва ўзбек тилларида «Тошкент» деб номланган адабиётлар кўрсаткичи нашр қилишди. Бу китоб хронологик жиҳатдан Тошкентнинг қадимги давридан то ҳозирги кунга қадар бўлган ҳаётини ўз ичига олиб, унда 1291 номдаги китоблар, журнал мақолалари ва тўпламлар қайд этилган. Кўрсаткич доҳиймиз В. И. Ленин асарлари билан бошланиб, сўнгра унда шаҳримиз тарихига оид бошқа асарлар ва ҳужжатлар рўйхати хронологик тартибда берилган. Коммунистик партия ва Совет давлати арбобларининг Тошкентда сўзлаган йўтқлари ва пойтахтимизга алоқадор асарлари, Коммунистик партия ҳужжатлари алоҳида бўлимни ташкил қилиб, унинг бош қисмида расмий материаллар, сўнгра бошқа адабиётлар рўйхати тескари хронологик тартибда тузилган.

Кўрсаткичнинг «Бадиий адабиётлар» бўлими алфавит тартибда бўлиб, унда таниқли совет ёзувчиси А. Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри», ўзбек-демократ шоири Фурқатнинг «Тошкент шаҳрида бўлган нағмалар базми ҳусусида», революция куйчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Тошкентга саёҳат», Абдулла Авлонийнинг «Тошкент тонги» ва ўзбек совет адиблари И. Раҳим, Р. Файзий, К. Яшин, А. Раҳмат, М. Шайхзодаларнинг шаҳримизни тараннум этувчи кўплгина ажойиб асарлари қайд этилган. Шу билан бирга китобда «Кўҳна Тошкент», «Тошкент халқаро учрашувлар шаҳри», «Тошкентнинг социал-иқтисодий ривожланиши», «Тарихий жойлар, ҳайкаллар», «Фотоҳужжатлар, расмли материаллар, йўл-кўрсаткичлар» каби бўлимлар ҳам мавжуд бўлиб, улар пойтахтимиз тарихи, халқ хўжалиги, маданияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига ёрдам беришни кўзда тутади. Китобхонларга тақдим этилаётган мазкур кўрсаткич шу соҳадаги биринчи тажриба бўлиб, у тез кунларда шаҳримизнинг барча кутубхоналарига тарқатилади.

Бир сўз билан айтганда, кутубхонада бу қутлуғ саналарга муносиб тўёналар ҳозирламоқдалар.

Н. СУЛАЙМОНОВА.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

БУХГАЛТЕР—РЕВИЗОР

КАСБНИНГ тури кўп. Аммо яхши — ёмони бўлмайди. Ҳаммасининг ҳам жамият учун зарур жиҳатлари бор. Масалан, бухгалтерлар ишини олайлик. Ҳаётда иш юзасидан улар билан юзмаюз келмайдиган киши йўқ. Агар ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида, тартиб-қоида асосида юритилса, бухгалтер билан ишимиз ҳам бўлмайди. Аммо ойлик иш ҳақингиз ёки командировка ҳусусидаги, хуллас ишкал чиқиб қолгудек масалаларда бухгалтер ҳузурига чопасиз.

Турсун Адҳамов мана шундай мураккаб касбда йигирма йил ишлади. У 1982 йилгача Ўзбекистон ССР Мевасабзавот хўжалиги министрлиги Тошкент область агросаноат бирлашмасида ревизия комиссиясининг бошлиғи вазифасини адо этди. Бирлашмага қарашли 30 та совхозда ҳисоб-китобни йўлга қўйишда, ҳисобот гайёрлашда яқиндан ёрдам берди. Тез-тез жойларда бўлиб, семинарлар ўтказиб турди. Айниқса, кадрларни қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериб, 50 дан ортиқ ўз касбининг устаси бўлган шогирдлар етиштирди. У барчага баравар меҳрибон, илтифотли, ишига дилдан киришадиганлардан. Шунинг учун уни фақат бирлашмадагина эмас, балки, ҳамма хўжаликларда ҳурмат-иззат қилишади.

— Кўп йиллик тажрибам шуни кўрсатяптики,— дейди Турсун Адҳамов,— бухгалтерлик касби кўп қиррали, сергаклик талаб қиладиган, сермеҳнат, айни пайтда қизиқарли касб экан. Кундалик бажарган ишинг мана мен, деб кўзга яққол ташланиб турмайди. Лекин қайси соҳа бўлмасин, пировард натижада ўзингнинг ҳиссанг борлигидан мамнун бўлиб юрасан.

Ҳақиқатан ҳам бухгалтер бўлиб ишлаш осон эмас. Улар давлат маблағларининг, меҳнаткашлар иш ҳақининг ҳар бир тийинини авайлашлари, эҳтиёт қилишлари керак. Демак, улар бутун умр ўз касбларига содиқ бўлишлари зарур. Турсун Адҳамов ана шундай касб эгаларидан бири. У 1982 йилда Министрликнинг молия бўлими бошлиғи ўринбосари этиб тайинланди. Бу янги вазифани ҳам аъло даражада бажариб келаяпти.

Е. МОРДУХАЕВ.

МЕҲНАТ КИШИСИНИ ШАРАФЛАБ

БЕКОБОД районидаги Дзержинский номли колхозда илғор пахтакорларни шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Пахта далаларида мўл ҳосил тўплаган илғор бригада бошлиқлари Абдуназар Шамсиев, Файзулла Нарзуллаев, Анорбой Маҳкамбоев, пешқадам механизаторлар Отамурод Саъдуллаев, Турсунали Тўхтаматов ва бошқалар хўжалик маданият саройи тўридан жой олдилар. Колхозга меҳмон бўлиб келган Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ўзларининг энг яхши куй ва қўшиқларини давра тўридаги социалистик мусобақа илғорларига бағишладилар. Дилрабо куй ва қўшиқлар бу йил ҳар қачонгидан ҳам баракали «оқ олтин» хирмони яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган колхозчиларни янгиянги зафарларга руҳлантирди.

Меҳнат кишисини шарафлаш маросими районнинг бошқа бир қатор хўжаликларида ҳам бўлиб ўтди.



ҲАР ТЎҒРИДА

ЎН ИККИ МИНГ ДОЛЛАРЛИК... ПАРИШОНХОТИРЛИК

Икки филлипинлик жарроҳнинг операция пайтида йўл қўйган хатоси уларга ўн икки минг долларга тушди. Операция муваффақиятли ўтгач бемор қорин бўшлигида 12 сантиметрлик жарроҳлик қайчиси қолиб кетгани маълум бўлди...

Қарийб икки йил мобайнида бу металл инструмент беморни безовта қилмади. Шундан сўнг оғриқ кучайгач бемор яна врачларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Иккинчи операция тугаши биланоқ у жарроҳларни судга берди. Пировардида паришонхотир хирурглар ўз хатоларини 12 минг доллар билан қоплашга мажбур бўлдилар.

ҲУЖЖАТЛИ АРАВАЛАР

Мексика пойтахтининг серқатнов магистралларида йўл транспорт ҳаракати қоидаларининг бузилиши ва кўнгилсиз воқеалар сони тобора ортиб бормоқда. Мексика полициясининг берган маълумотларига қараганда кўпчилик авариялар интизомсиз аравакашларнинг айби туфайли рўй беряпти.

Ана шундай кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Мексика ҳукумати аравакашларни ҳам автомобиль ҳайдовчилари билан бир хил тартибда йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳонлар топширишга мажбур қилмоқдалар. Имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга иккита гувоҳнома берилади: уларнинг бири аравакашга, иккинчиси эса отга мўлжалланган. Лекин ҳар иккала ҳужжатда ҳам эгасининг фотосурати бўлиши шарт

«Социалистическая индустрия» газетасидан.

ЁШ рассом Баҳодир Жалоловнинг номи санъат мухлисларига яхши таниш. Унинг мўйқаламига мансуб асарлар ҳамиша бўёқларнинг ёрқинлиги, мазмунининг теранлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам унинг асарлари В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги Санъат саройини, Тошкент метрополитенининг «Комсомол» станциясини, ғалаба районидаги Димитров номли колхоз маданият уйи ва бошқа бинолларни безаган. Баҳодир Жалоловнинг номзоди «Баҳор» концерт зали фойесидаги «Рақснинг туғилиши» асари учун СССР Давлат мукофотига кўрсатилди. Суратда: «Рақснинг туғилиши» асари олдида.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

СПОРТ

НАТИЖАЛИ ТУР

Мамлакат футбол чемпионатининг навбатдаги 28-тури аввалгилардан шуниси билан фарқ қиладики, биринчидан, дуранг натижа қайд қилинмади, иккинчидан ҳамма учрашувларда тўп киритилди. Энг йирик ҳисоб Киевда қайд этилди. Динамочилар «Черноморец»ни 6:0 ҳисобида мағлуб этдилар. «Спартак» Кутаисида «Торпедо»ни 4:0 ҳисобида енгди. Спартакчи Ю. Гаврилов бу ўйинда иккита тўп киритиб, ҳисобидаги голлар сонини 100 тага етказди ва Г. Федотов клубига аъзо бўлди. 13 турдан бери мағлубият нималигини билмай келаётган «Днепр» Москвада «Торпедо»дан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

«Пахтакор» Бокуда «Нефтчи»ни 2:0 ҳисобида устун келишди. Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: ЦСКА — «Шахтёр» — 1:0, «Металлист» — «Нистру» — 3:1, «Динамо» (Тб) — «Зенит» — 1:2, «Арарат» — «Динамо» (М)— 1:0.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒОЛИБ

Колхоз хоккейчи қизлари ўз стадионларида СССР зонал биринчилиги ғолиблари даврасида қатнашиб биринчи ўринни олишди. Мезбонлар Москванинг физкультура институти спорт клуби командаси билан бўлган биринчи учрашувни 2:2 ҳисобида дуранг қилгач, Барнаул, Бердичев, Ереван ва Самарқанд спортчиларини мағлуб этиб, 10 имконниятдан 9 очко тўпладилар. Барнаулнинг «Коммунальник» командаси 8 очко билан иккинчи ўринни олди.

ОЛТИН ВА БРОНЗА

Венада ўсмирлар ўртасида Европанинг 7-чемпионатида қатнашган тошкентлик Радик Гатаулин билан чирчиқлик Сергей Уваров олтин ва бронза медалларига сазовор бўлишди. Р. Гатаулин шест билан сакрашда 5 метр 55 сантиметр натижа кўрсатди. С. Усов эса 110 метрга тўсиқлар оша югуришда 13,96 секунд вақт билан учинчи ўринни олди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Саёҳатчилар клуби». 10.40 — «Менинг ҳаётим — Армия». Бадиий фильм. 11.55 — Концерт. 12.55 — Янгиликлар. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — «Горнчилар қавардасиз!». 16.30 — «Стадион ҳамма учун». 17.00 — «Грин мамлакатининг одами». Телеспектаклнинг II-қисми. 18.15 — «Тинчлик дарси». 19.00—«Дунё воқеалари». 19.15 — «Спорт ҳафталиги». 19.45 — «Ўқитувчи». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Балет ҳақида». 23.20 — «Дунё воқеалари». 23.35 — Волейбол бўйича халқаро турнир.

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Шок ва шер». Болалар учун фильм. 10.25 — Ҳужжатли фильм. 11.00 — «Буратино кўргазмаси». 11.30 — «Сенинг иккинчи уйинг». 12.20 — Мультфильмлар. 12.50 — Ҳужжатли фильмлар. 13.25 — Немис тили. 13.55 — «Кешка ва унинг дўстлари ҳақида ҳикоялар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.15 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 15.45 ва 18.30— Янгиликлар. 18.50 —«Сиз яратган боғ». 19.20 — «Акс садо». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Пазанда». Бадиий фильм.

УзТВ I. 11.30 — «Бойчечак». 12.00 — «Капитан». Телевизион фильм. 12.30 — «Кинередакция почтасидан». 13.15 — Концерт. 13.55 — Бадиий фильм. 17.45 — «Салом мактаб». 18.15 — «Барчанинг иши». 18.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.15 — «Янги ўқув йилингиз билан». 19.30 — «Ахборот». 19.45 —Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 20.15 — «Макажўхори: ҳам дон, ҳам озуқа». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув. 22.20 —Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00 — 15.50 — МТ-II. 18.05 — Кинофильм. 19.00 — «Қишлоқ ҳаёти». 19.20 — «Классик куй саҳифалари». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Болаликнинг сўнгги ёзи». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02124 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. Б—1673. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12